

ХАЛҚИМИЗ ТИНЧ, ЮРТИМИЗ ОМОН БЎЛСИН!



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги улўғ тарихий сана – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзининг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Халқимизнинг хоши-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқийсдир.

Халқимизнинг хоши-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқийсдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни кўлга киритдик.

Ана шундай мустақкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг қўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озода ва обод ҳаёт куриш йўлини очиб берган Конституциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, ғурулансак, арзийди, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Дунё миқёсида “Янги Ўзбекистон” деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий қонунимизга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокамадор давом этмоқда. Ушбу конституциявий ислохотларни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва тақлифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда “**Инсон – жамият – давлат**” деган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга чуқур сингдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ

ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш бу борадаги ислохотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустақкамлаш, кекса авлод вакиллари, ногиронларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб принципиал аҳамиятга эга масалалар Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз – турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билдирилган барча тақлиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Айни шу асосда Бош қонунимиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Пандемия шароитига қарамасдан, мамлакатимизда меҳнат жамоаларида, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонларда Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги – 2023 йил учун улкан дастур ва режаларни тузмоқдамиз. Конституциямизда белгилаб олаётган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни, бутун халқимизни Конституциямизнинг қутлўғ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сийҳат-салооматлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барак тилайман.

Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин!

Барчамизни Яратгanning ўзи паноҳида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МУНОСАБАТ

Қутлўғ сана – Конституциямиз қабул қилинганининг 30 йиллиги арафасида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган тегишли фармонга кўра тузалиш йўлига қайтган 400 га яқин маҳкум афв этилди. Бу кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати замирида кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват мужассам эканини яна бир қарра намоян этди.

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Янги Ўзбекистон сиёсатига афв институти барқарор ва бардавом амалиёт сифатида кириб келгани эътироф этилмоқда. Афв институти демократик тузум қарор топган, инсонпарварлик ва адолат тамойилларига амал қилинадиган, “Инсон қадрини учун” тамойили ҳаётга жорий этилаётган мамлакатимизда тарбиянинг янги ва самарали усули сифатида қўлланылган. Зеро, билиб-билмай қилган хатоси учун одамни маҳкум сифатида жамиятдан ажратиб қўйиш мақбул йўл эмас. Уни кечириб, тўғри йўл топишига имкон бериш,

қўллаб-қувватлаш асл инсоний қадриятлардан саналади.


Айрим рақамларга эътибор берайлик: 2017 йилдан буён Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 20 дан ортиқ фармонига кўра афв этилган фуқаролар сони қарийб 6 мингга етди. Уларга ўз оиласи ва жамиятга қайтиб, бундан буён мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фалол иштирокчиси бўлиш имконияти яратилди.

О'zLiDeP халқимизнинг кечиримлилик, меҳр-шафқат сингари азалий

одатлари ҳаётга қўчаётганини тўла қўллаб-қувватлайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларининг олий қадрият сифатида тан олинishi, умуминсоний принципларни амалга оширишдан иборатдир.

Сардорбек ҒИЁСОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

XXI

**O'ZLiDeP**

asr

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

8-dekabr 2022-yil 49 (995)

 www.21asr.uz

 @XXIasrofficial

ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ушбу масала Истанбулда бўлиб ўтган Осиё сиёсий партиялари анжуманининг асосий мавзуси бўлди

Ноябрь ойи охирида Истанбул шаҳрида Осиё сиёсий партиялари халқаро конференциясининг (ISAPP) XI Бош Ассамблеяси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондаги 5 та сиёсий партия вакиллари ҳам иштирок этди.

Даставвал ушбу нуфузли халқаро ташкилот тўғрисида қисқача тўхталамиз. Унинг ташкил топиши 2000 йилларнинг бошига бориб тақалади. Айнан шу йили филиппинлик машҳур сиёсатчи Хосе де Венеция Осиё қитъасидаги сиёсий партияларнинг мафкураларидан қатъи назар, уларнинг ўзаро мулоқотини таъминлашга хизмат қилувчи халқаро ташкилот тузиш ташаббусини илгари суради.

Осиё сиёсий партиялари халқаро конференцияси деб ном берилган ушбу ташкилотга аъзо бўлишнинг асосий мезонлари сифатида

кўнгилли асосда кириш, Осиё қитъаси давлатларидан бирига мансублиги ва ўз давлати парламентида бўлиш белгиланган. Йилдан йилга халқаро майдонда обрўси ошиб бораётган ушбу ташкилотга бугунги кунга келиб 50 дан ортиқ мамлакатнинг 360 дан ортиқ сиёсий партиялари аъзо саналади. Шунинг учун ҳам ISAPP дунёдаги энг йирик халқаро партиялараро ташкилот сифатида эътироф қилинмоқда.

Истанбулда Туркиянинг етакчи “Адолат ва тараққиёт” партияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ISAPPнинг XI Бош Ассамблеяси “Глобал тинчлик йўлида ҳамкорликни мустақкамлашда сиёсий партияларнинг роли” мавзусига бағишланганлиги низоҳатда эътиборга лойиқдир. Негаки, ҳозирги кунда жаҳонда ҳукм сураётган вазиятга баҳо берад экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қуйидаги фикрни бежиз алоҳида таъкидламагани: “Бугунги кунда барчамиз кескин геосиёсий зиддиятлар, глобал иқтисодий инқироз ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари билан боғлиқ мураккаб синовларни бошимиздан кечирмоқдамиз”.

Давоми 2-саҳифада. ►►

XXI АСРНИНГ 23-ЙИЛИДА ҲАМ “XXI asr” БИЛАН БИРГА БУЛИНГ!



Обуна индекси – 406.
Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.

ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ушбу масала Истанбулда бўлиб ўтган Осиё сиёсий партиялари анжуманининг асосий мавзуси бўлди

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Шундай бир паллада вазиятни тўғри англаган, уни тўғри йўлга солиш учун бутун масъулиятни чуқур ҳис қилган барча кучлар айнан шу масалада ҳамжиҳатликка интилаётганини ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин.

Масалан, Осиё қитъасининг етакчи сиёсий партиялари, эътибор беринг, ўз давлатлари парламентларида фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар ҳам четда турмасдан, ўзларининг халқаро ташкилоти олий органи йиғилишига бош масала сифатида юқоридаги глобал мавзунини олиб чиқаётгани уларнинг дунё халқлари ва барча миллатлар учун долзарб бўлиб турган муаммога бефарқ бўлмасдан, унга ечим топишда фаол иштирок этаётганидан далолат беради.

Бош Ассамблея ишида 31 та давлатнинг 70 та сиёсий партиясидан 195 нафар вакил қатнашди. Ушбу нуфузли анжуман иштирокчиларига Туркиянинг етакчи “Адолат ва тарққиёт” партияси раҳбари, мамлакат Президенти Режеп Таййиб Эрдоғаннинг йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди.

Бош Ассамблея ўз ишини тўртта ялпи сессияга бўлинган ҳолда олиб борди. Турли мамлакатлар, сиёсий партиялар вакиллари ўз чиқишларида минтақада ва бутун дунёда хавфсизликка, барқарорликка мавжуд таҳдидлар тўғрисида фикр юритар экан, уларнинг ҳар бири ўз халқи, миллати, давлати миқёсида бу каби долзарб муаммоларни бартараф этиш борасида олиб бораётган ишларга ҳам тўхталиб ўтганлиги катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистондаги мавжуд партия вакиллари ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимизнинг минтақада ва умуман, жаҳонда амалга ошираётган халқаро сиёсатидаги концептуал ўзгаришларнинг маъно-мазмунини, мамлакатда бошланган конституциявий ислохотлар замирида турган муҳим ғоя ва мақсадлар ҳақида батафсил маълумот бердилар. Мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички сиёсати асосида турган бош ғоя – инсонни улуғлаш, “Инсон қадрини учун” ғояси, энг аввало, ўзаро ишонч, очиқликка асосланган муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи фойдали таклиф ва фикрлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бу Ассамблея доирасида ICAPP раҳбарияти ҳамда тур-



ли давлатлар сиёсий партиялари вакиллари билан мулоқотларда яққол намоён бўлди. Хусусан, ICAPP Ижроия кўмитаси раиси Чунг Эу Йонг ҳамда Бош котиб Чу Бюнг Же Ўзбекистоннинг ташкилот ишидаги фаолияти тобора фаоллашиб бораётганини, мамлакат ташқи сиёсатида кейинги йилларда кўзга ташланаётган муҳим ўзгаришлар, дунё давлатлари билан тобора очиқлик, муносабатлардаги ўзаро ишонч муҳитининг мустаҳкамланаётгани тўғрисида фикр билдирди.

Туркия Буюк Миллат мажлиси депутати Исмаил Фарух Аксу кейинги беш йил ичида Ўзбекистон-Туркия муносабатлари мутлақо янги сифат босқичига кўтарилганлигини таъкидлади. Унинг эътирофи этилишча, турк дунёсининг ўзакларидан бири бўлган Ўзбекистон билан бундай муносабатлар ҳар икки давлат манфаатига хизмат қилади. У Самарқанд, Бухоро, Хивага сафарлари давомида ўзгаришлар нафақат пойтахтда, балки вилоятларда ҳам кенг қўламада амалга ошаётганининг гувоҳи бўлганини айтиб ўтди.

Покистон “Мусулмон лигаси” сиёсий партияси ёшлар

қаноти вице-президенти Мустафо Хайдар Саййид Ўзбекистонда муқаддас ислом дини қадриятларини тиклашга бўлган эътибор Ўзбекистон Президенти сиёсатининг марказида эканини эътироф этди. Унинг фикрича, юртимизда мусулмон дунёсининг буюк алломалари номи билан боғлиқ жойлар бутун Шарқ дунёсининг катта бойлиги экани, уларни тиклаш борасида қилинаётган ишларни аслида жаҳон маданий меросини асраш йўлидаги ҳаракат деб баҳолаш лозимлигини таъкидлади.

Тожикистон Халқ демократик партияси раисининг ўринбосари А.Қ.Латифзода давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсат халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиргани ва бундай ўзаро манфаатли ҳамкорлик Марказий Осиё халқларининг чуқур ҳурматиغا сазовор бўлганини эътироф этди. Икки давлат президентларининг ушбу сый-ҳаракатларида партиялар ҳам четда турмаслиги, ушбу ташаббусларни янада мустаҳкамлашда фаол бўлишлари лозимлигини таъкидлади.

Бугунги кунда аҳоли, хусусан, сайловчилар билан доимий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш депутатлар фаолиятининг устувор йўналишига айланди. Улар мазкур жараёнда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бориши билан танишиб, янги қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини халққа етказмоқдалар.



БУВАЙДАДАГИ МАКТАБЛАР ИСИТИЛЯПТИМИ?

Парламент қўйи палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Ўбргимовна жойлардаги мавжуд муаммоларни маҳаллабай, хонадонбай ўрганиш мақсадида Бувайда туманида бўлди. Тиббиёт техникумида ўтказилган мулоқотда тиббиёт соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, шифокорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар хусусида сўз юритди.

Яқинда қабул қилинган янги тахрирдаги Меҳнат кодекси ҳақида маълумот берди. Ушбу ҳужжат билан ишга қабул қилиш босқичлари, тартиблари белгилангани, айрим тоифадаги ходимлар учун синов муддати 3 ойдан 6 ойгача ўзайтирилганини қайд этди.

Ноиб фуқароларнинг мурожаатларини тинглар экан, уларнинг аксариятини шу ернинг ўзида ҳал этди. Ечимни вақт талаб этадиганларини эса назоратига олди. Энг муҳими, ҳеч бир фуқаронинг мурожаати эътиборсиз қолмади. Халқ вакили ушбу таълим муассасасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ташкил этилган кўчат экиш акциясида ҳам қатнашди.

Депутат, шунингдек, бошқа умумтаълим мактабларида ҳам бўлиб, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди. Хусусан, 40-мактабнинг аҳволи, иситиш тизимини ўрганди, кўмир захира омборини кўздан кечирди. Раҳбариятга иситиш бўйича ўз тавсияларини берди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, таълим маскани анча йилларки таъмирталаб ҳолатда, уни қайта капитал таъмирлаш лозим. Аини масала юзасидан тегишли ташкилотларга сўров юборадиган бўлди.

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ ҲАЛ БЎЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳазратқул Хўжамқулов ҳам кўп вақтини халқ орасида ўтказди. Одамларнинг дарду таъвишини тинглаб, муаммоларини имкон қадар бартараф этишга ҳаракат қилади.



Депутатнинг сайловчилари билан бу ғалғи учрашувлари ҳам самарали кечди. Халқ вакили Бойсун тумани сектор раҳбарлари билан биргаликда тадбиркорлар қабулини ўтказди.

Мулоқотда ишбилармонлар томонидан 27 та мурожаат келиб тушди. Улар, асосан, ер ажратиш, электр ва сув таъминоти, кадастр, имтиёзли кредит олишга доир масалалар. Арзларни атрофлича ўрганган ноиб мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда уларнинг аксариятига ечим топди. Ечимни вақт талаб қиладиган мурожаатлар юзасидан эса тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборадиган бўлди.

ШЎРОХОНЛИКЛАРНИНГ КАЙФИЯТИ ВА ШАРОИТИ ҚАНДАЙ?



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равшан Мамутов ҳам Тўрткўл тумани Шўрохон овулида бўлди. Аҳолининг турмуш шароити, кайфияти, одамларни ўйлантираётган масалалар, ижтимоий хизмат кўрсатиш объектиларининг ҳолатини ўрганди.

Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар чоғида туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, ҳоким ёрдамчиси, маҳалла раислари ва мутасадди ташкилот вакиллари қатнашди. Аҳолининг барча мурожаати атрофлича ўрганилди ва тегишли идора вакиллари иштирокида ижобий ҳал этилди.

Асосийси, депутат мазкур учрашувларни хонадонма-хонадон ўтказди. Мулоқот давомида Гулбаҳор Бекдурдиева ҳозирги кунда вақтинча ижарада яшаши, қиш мавсумини ўтказиб олиш учун кўмир ҳамда келгусида уй-жой олишда амалий ёрдам сўради. Туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А. Атажанов ушбу муаммони ўз назоратига олиб, ҳал қилишини билдирди.

ЭСКИ СИМЁҒОЧЛАР ЯНГИЛАНАДИМИ?

Қўйи палата депутати Шаҳноза Холмаҳмадованинг сайловчилар очиқ мулоқотлари ҳам кўтаринки руҳда ўтди. У дастлаб Яқкабғо туманидаги 11-умумтаълим мактаби жамоасида бўлиб, бу ерда дарсликлар таъминоти, таълим муассасасининг қишқи мавсумга тайёргарлик ҳолати билан танишди. Мактаб замонавий иссиқлик узатувчи жиҳозлар билан таъминланган, мавжуд қозонлар тўла қувват билан ишлаяпти. Лекин синфхоналардаги иситиш тизими талабга жавоб бермайди.

Таълим ташкилотларида кўмир захирасининг етарлилиги, қозонхона доим назоратда ва ёқилган бўлиши ҳозирги мавсум учун жуда муҳимдир. Масъул мутасаддилар иштирокида бу борадаги муаммолар жойида бартараф этилди.

Халқ вакилининг кейинги манзили туманининг Ёсат маҳалласи бўлди. Учрашувда сайловчилар томонидан конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир ишларни давом эттириш таклифи билдирилди. Чинобод маҳалласида эса 2021 йилда “Обод маҳалла” дастури асосида бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Аммо Шаманқирғиз қишлоғи вакиллари мурожаат қилишиб, кўчаларидаги эски ҳолатдаги симёғочлар янгисига алмашмагани, йўллар таъмирланмагани ҳақида эътироз билдиришди.

Фуқаролар кўчаси бўйлаб 500 метр масофада симёғочлар ўрнатилгани, қўлбола усулда электр симлар тортилиб, уйлари ёритилаётгани, бу ҳақда қўллаб-қувватлаш қилишгани, туман электр тармоғи корхонаси раҳбари ҳам кўриб кетгани, лекин ҳалигача натижа бўлмаганини маълум қилишди.

Ушбу муаммолар жойига чиққан ҳолда мурожаатчилар иштирокида ўрганилди. Мулоқот чоғида сектор раҳбари ва масъул мутасаддилар билан муаммоларни бартараф қилиш юзасидан режалар белгиланиб олинди.



ХОНАДОНБАЙ ЎРГАНИШ НАТИЖА БЕРАДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одинахон Отахонованинг Асака туманида сайловчилар билан ўтказган мулоқоти амалий натижаларга бой бўлди.

Дастлаб туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб, муассаса тасарруфидagi марказий шифохона шифокорлари билан юзма-юз мулоқот қилди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, янги қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар, конституциявий қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар ҳақида маълумот берди. Янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини тушунтирди. Сўнг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида шифохона боига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилишида қатнашди.

Депутат, шунингдек, туман ҳокими ўринбосари, ёшлар етакчиси ва бошқа мутасаддилар билан бирга Улугбек маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирон Ҳафизахон Мирзақонова ҳамда Эргашобод маҳалласида яшовчи Обиджон



Мадаминов хонадониди бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олди.


Яна бир қатор ҳудудларга бориб, фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш чораларини кўрди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири



Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

ҚОМУСИМИЗ – НОМУСИМИЗ, ФАХРИМИЗ-ҒУРУРИМИЗДИР



Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида бутун дунёга танитадиган Қомусномадир.

Машҳур инглиз иқтисодчи олими Адам Смитнинг фикрича, “Инсон табиятан табиийликни ёқтиради. Ҳар бир шахс фақат ўзининг манфаатлари туфайли доимо бойлик тўплайди ва натижада жамият ҳам бойийди”. Айнан шу сабабга кўра ўзини мулкдор, ўз меҳнати маҳсулининг ҳақиқий хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яшириниб ётган потенциал ақл-заковати ҳамда куч-ғайратини рўёбга чиқаради. Демак, ўрта синф бўлимиш мулкдорлар синфини шакллантириш эл-юртимиз барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шарти ҳамда кафолати, десак муболаға бўлмайди. Ҳақиқий мулк эгасига қиммингдир турткиси ҳам, бирор иш, фаолиятга тинимсиз равишдаги даъват этиши ҳам шарт эмас. У ўз ишини олдиндан пухта режалаштириб, эртанинг, оиласининг, бола-чақаларининг, бутун бошли жамиятнинг ғам-ташвишини елкасига олган ҳолда қилаверади. Уларга ҳалақит бермаслик, йўлини тўсмаслик лозим, холос.

Шу ўринда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг электорати манфаатларидан келиб чиқиб айтишим жоишки, барча иқтисодий муносабатлар, аввало Конституцияда тартибга солиниши даркор. Соҳибқирон Амир Темурийнинг фикрича: “Давлат агар дину ойин (қонун) асосида қурилмас экан, тўра-тузукка (тартиб-қоидага) боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади”. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқади-ган тэмсиз, эшиги-тўсиғи йўқ (бир) уй-га ўхшайди”. Буюк соҳибқирон бу билан нима демоқчи? “Инсон – жамият – давлат” муносабатлари қонун асосида қурилиши керак ва бунинг учун эса асос унинг Тузуқлари, замонавий тизда айтганда, Конституция бўлиши керак!

Худди шундай, мустақил Ўзбекис-

тоннинг Конституцияси қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи конституциявий тартибда тан олинди. Конституциянинг 36-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт ҳамда бошқа халқаро меъёрлар, мезонлар, ҳужжатларга тўла мос келади.

Эндиликда Конституциямизнинг 53-, 54-моддаларини ҳам замон талабларига янада мослаштириш устида ишланмоқда.

Жумладан, Бош қомусимизнинг 53-моддасида:

давлат бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиши, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши,

Ўзбекистонда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши,

хусусий мулкнинг дахлсизлиги, мулкдор ўз мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари маҳрум этилиши мумкин эмаслиги,

давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши,

тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақлилиги,

монополистик фаолият қонун билан чекланиши белгилаб қўйилмоқда. Конституциянинг 54-моддаси эса:

мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкига ўз хоҳишича эғалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасаруф этиши, мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузмаслиги кераклиги конституциявий норма сифатида янада мустаҳкамланмоқда.

Асосий қонунимизда мустаҳкамланиши қўтилаётган бундай нормалар партиямиз электорати манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга ҳуқуқий замин яратади.

О'зЛиДеР Қашқадарё кенгаши жамоатчилик билан алоқалар ва мафкуравий ишлар бўлими томонидан Шахрисабз шаҳридаги “КОИКА” касб-хунарга тайёрлаш марказида Конституциямизнинг 30 йиллигига бағишланган йиғилиш ташкил этилди.

Анжуманда вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Арзикул Шеров, парламент депутаты ёрдамчиси Зиёдулла Жўраевлар сўзга чиқиб, мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилган кенг кўламли ва изчил демократик ислохотлар натижасида янги Ўзбекистонни барпо этишнинг мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маънавий-маданий асослари яратилгани, “Инсон қадрини учун”



тамоийли асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланганини

мамнуният ила эътироф этдилар.

– Бош қомусимиз амалга оширилаётган ислохотларда мустаҳкам ҳуқуқий ҳужжатдир, уни янгилашдан асосий мақсад – мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун ишончли кафолат яратиш-

дир, – деди Шахрисабз шаҳридаги “КОИКА” касб-хунарга тайёрлаш маркази раҳбари, шаҳар кенгаши раиси Фазлиддин Ражабов. – Конституциявий ислохотлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни изчиллик билан давом эттиришда ҳуқуқий пойдеворни янада мустаҳкамлаш, кенг кўламли ўзгаришларни қатъий давом эттиришимизда муҳим аҳамият касб этади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида илгари сурилаётган кенг кўламли вазифалар, хусусан, адолатли ва халқларвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби улуғвор мақсадлар Конституциявий маконини янада такомиллаштириш эҳтиёжини кун тартибига қўйди. Бунинг учун Асосий қонунимизни бугунги реал воқеликка мослаштириш мамлакатнинг ривожланиши, тараққиёт этиши учун янада мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиши шубҳасиз.

О'зЛиДеР Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

ТАЪЛИМНИНГ АМАЛ ОШИ

Таълим соҳаси ҳар қандай давлатнинг бугуни ва келажагини белгилаб берувчи тараққиётнинг энг муҳим драйвери ҳисобланади. Шу боис фуқароларнинг таълим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга янада эътибор қаратилмоқда. Учинчи Ренессеанс пойдеворини яратиш ва миллий юксалишни таъминлашнинг аниқ чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Конституциявий ислохотларда ҳам бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, халқимиздан келиб тушган тақлифларни инобатга олган ҳолда Асосий қонунимизнинг 41-моддасига давлатнинг узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг ривожлантирилишини таъминлаш лозимлиги тўғрисидаги қўшимча қиритиш назарда тутилмоқда.

Мазкур моддага киритилиши қўтилаётган ўзгаришлар иккита муҳим жиҳатини ўз ичига олади.

Биринчидан, давлатимиз раҳбари “Таълим ва тарбияда танаффус бўлмайди”, деб таъкидлаганидек, таълимнинг ҳар бир bosқичида етарли қамров даражасини таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аниқ ишлар амалга оширилишини талаб этади.

Аҳолиимизнинг 60 фоизи ёшлар эканини инобатга олсак, бу борада бизда улкан салоҳият борлигига амин бўламиз. Мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари сони 6 баробар кўпайди, олис ҳудудларда минглаб оилавий боғчалар ташкил этилди. Уларда таълим ва тарбия оладиган болалар қамрови 70 фоизга чиқди. Олий ўқув муассасалари сони ҳам қарийб 2,5 баробар кўпайиб, 186 тага етди. Уларнинг 31 таси дунёдаги етакчи университет ва институтларнинг филиалларидир. Қабул квотаси 3,5



баробар ортиб, қамрови эса 9 фоиздан 38 фоизга ошди.

Тақлиф этилаётган қоида давлатнинг таълим соҳасидаги мажбуриятини белгиламоқда. Хорижий тажрибага назар солсак, Германия, Италия, Франция, Сингапур, Финляндия, Жанубий Корея, БАА, Қатар каби мамлакатларда таълим масаласи давлатнинг муҳим вазифаси сифатида белгиланган. Айнан давлатнинг мажбуриятини белгилаш соҳадаги муаммоларни тизимли ва манзилли ҳал этишга имконият беради.

Иккинчидан, таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик тамойили асосида таълим тизимини ривожлантириш назарда тутилмоқда. Аввал нодавлат таълим ташкилотлари жуда кам бўлган ҳамда аҳолида уларга ишонч ҳам унчалик юқори бўлмаган. Лекин жаҳон таърибаси шуни кўрсатмоқдаки, нодавлат таълим сектори

мослашувчанлик, соғлом рақобатни таъминлайди ва таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистонда ҳам хусусий мактабгача таълим муассасаларига ота-оналарнинг ишончи ортиб бормоқда.

Давлат таълим тизими ва нодавлат секторининг ривожлантирилиши таълимга бўлган эҳтиёжларни қондириш, соғлом рақобатнинг шаклланишига хизмат қилади. Фуқароларимизда таълим хизматларини танлашда танлов имкониятлари кенгайди. Давлат мазкур жараёнда таълим сифати мониторингини амалга ошириши лозим бўлади. Умуман олганда, қайд этилган тақлиф Ўзбекистон Республикасида мактабгача, халқ ва олий таълим тизимларини 2030

йилгача ривожлантириш концепцияларини самарали амалга оширишга асос яратади.

Таълим сифатини ошириш комплекс ёндашув, яъни ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жиҳатларни талаб этар экан, бунда, ҳуқуқий чоралар давлат сиёсатида тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, узлуксиз таълим тизимининг конституциявий кафолатлари соҳада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни бажариш имконини беради.

Малоҳат САИПОВА,
Жамоат хавфсизлиги университети доценти

ҚУТЛАЙМИЗ!

Шу йилнинг 8 ноябрида Президентимизнинг “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги фармони билан мамлакатимиздаги кўплаб соҳа вакилларига “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонини топширилиши белгиланган эди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ана шу эсдалик нишонларини топширишга бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Пойтахтимизда ўтказилган тадбирни **Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳакимов** очиб, Асосий қонунимиз қабул қилинганнинг 30 йиллиги муносабати билан барчани қутлаб, Конституциямиз истиқлол йилларида эришилган улкан муваффақиятларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётганини таъкидлади. Байрам арафасида юксак эътирофга сазовор бўлган бир гуруҳ ижтимоий соҳа ходимларига “Ўзбекистон Конституцияси-

нинг ўттиз йиллиги” эсдалик нишони тантанали топширилди. Мукофотланганлар орасида “XXI asr” газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист **Норқобил Жаилов** ҳам бор.

Қутлуғ сана муносабати билан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида ўтказилган тадбирда партия раиси, **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Хаитов** Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 30 йиллиги билан барчани табриклаб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаоллик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ партиядошларимизга “Ўзбекистон Конституциясининг ўттиз йиллиги” эсдалик нишонини тантанали равишда топширди.



Миллий матбуот марказида уюштирилган тадбирга мамлакатимизнинг етакчи босма ва интернет нашрлари,

ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

телевидение, радио, нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров кейинги қисқа муддат ичида миллий журналистикамизда таҳлилий-танқидий чиқишлар кўпайганига урғу берди. Асосийси, янгича қарашлар доирасида конституцион ислохотлар ОАВ учун ҳам кенг имкониятлар яратиши қувонарлидир.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони-га кўра журналистика соҳасида фаолият юритаётган бир гуруҳ ходимларга “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони топширилди. Улар орасида таҳририятимиз ижодкорлари, иқтидорли журналистлар – **Нурхон Элмирзаева** ҳамда **Фаррух Жабборов**нинг ҳам борлиги барчамизни қувонтирди.

ЭШИТУВ

ЙЎЛЛАРДАГИ МУАММОЛАР:

Айни кунларда аҳоли орасида энг кўп муҳокама-ларга сабаб бўлаётган мавзу-лардан бири йўл ва ундаги ташвишу муаммолар билан боғлиқ бўлиб қолди. Чунки совуқ кунларнинг бошланиши бу борада кўплаб оғриқли масалалар тўпланиб қолгани-ни яна бир бор кўрсатиб берди.

Ёнилғи шохобчаларидаги газ таъминоти қишки мавсумга мослаб (балки мосланмагани сабаб) камайганидан фойдаланиб қолишга уринаётган “олғирлар”-нинг кирдикорлари, энг аввало, йўловчиларни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Транспорт воситаларининг камайиши, натижада йўл ҳақининг асосий равишда оширилишига ҳар қадамда гувоҳ бўлишимиз мумкин. Афсуски, бу каби адоғи йўқ сансалорликларнинг яқин орада тугашини билдирадиган белгилар ҳали-вери кўринмапти. Негаки, кўплаб мутасадди ташкилотлар бу уларнинг фаолияти билан боғлиқ эмаслигини, йўналишсиз таксилар йўл ҳақини ўзаро келишув асосида белгилашни билдирмоқдалар.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги О'ЗLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги ййғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 майдиги “Автомобиль транспортда йўловчилар ташвиш фаолиятини тартибга солишни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи Илҳом Боқиевнинг ахбороти тинглангани бу муаммо халқ ноибларини ҳам бефарқ қолдирмаганини кўрсатди.

Мутасадди ўз ҳисоботида таъкидлаганидек, айни пайтда вилоятда 1117 та юридик шахсларга, 189 та якка тартибдаги тадбиркорларга ҳамда 1442 та ўзини ўзи банд қилган шахсларга тегишли жами 2748 та лицензияланган йўналишсиз такси фаолият кўрсатмоқда. Умуман олганда, вилоятда жами 131 та автотранспорт корхонаси мавжуд бўлиб, улардаги транспорт воситалари сони 3544 тани ташкил этади. Шундан 345 та автобус, 88 та микроавтобус, 2732 та энгил автотранспорт ва 379 та

ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПИШИ МУМКИН?



“Дамас” русумли транспорт воситаларидир. Вилоят бўйича эса жами йўловчи ташвиш йўналишлари 127 тани ташкил этиб, шундан 74 таси автобус ва 53 таси йўналишли таксилардир.

Жиззах шаҳри ҳамда Ғаллаорол, Зомин туманларида якка тартибдаги ташувчиларнинг ўз транспорт воситаларини техник куриқдан ўтказиш учун “Аккредитация маркази” ДУКда техник хизмат кўрсатиш станциялари, Жиззах шаҳрида йўналишсиз таксиларга агрегаторлик хизмати кўрсатаётган 7 та корхона мавжуд.

Вилоятда жами 9 та автовокзал ва автостанциялар ҳамда 502 та оралиқ бекатлар мавжуд бўлиб, вилоятда темирйўл линиялари жами 284,4 км.ни ташкил этиб, шундан электрлашган линиялар 70,2 км.дан иборатдир.

Жорий йилда иккита янги йўналиш очилди. Ташаббускор

тадбиркорлар томонидан 17 та автобус ва 12 та микроавтобус сотиб олиниб, йўналишларга қўйилди. Фориш туманида битта автостанция “Файзимурод Бизнес Сити” МЧЖ томонидан куриб фойдаланишга топширилди. Умуман олганда, вилоятда жами 24 та оралиқ бекат қурилган бўлиб, шундан 20 таси бошқарма томонидан, 4 таси тадбиркорлар маблағи ҳисобидан бунёд этилган.


Мутасаддининг ҳисоботидан кўриниб турибдики, соҳада анчагина самарали ишлар амалга оширилган. Рақамларда гўёки ҳаммаси рисоладагидек. Аммо бугун кўпчиликини ташвишга солаётган йўловчи транспортда муаммолар қалашиб ётгани аниқ. Шу боис депутатлар бу соҳада режалаштирилаётган ишлар билан ҳам қизиқишди.

Ҳисобот берувчининг таъкидлашича, 2023 йилда 5 та ян-

ги йўналиш очиш, 36 та автобус ҳамда 4 та микроавтобус харид қилиш, Зафаробод туманида 1 та автостанция, бошқа туманларда 20 та оралиқ бекат қуриш ҳамда “Айдар-Арнасой” кўллар тизимига 1 та туризм йўналишини йўлга қўйиш белгиланган экан.

Баҳс-мунозара руҳида ўтган эшитувда мутасаддининг ҳисоботи қониқарли деб топилган бўлса-да, депутатлар бу борада ҳали ечимини кутаётган муаммолар юзасидан бир қатор жўяли таклифлар, мулоҳазаларни ўртага ташлашди. Келгуси йилда белгиланган режаларни депутатлик назоратига олиш, вилоятда жамоат транспортини кўпайтириш масаласини ўрганиш юзасидан ишчи гуруҳ тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири



ҲИМОЯ ОРДЕРИ

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимояловчи ҳужжатдир

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ҳар учинчи аёл (35 фоиз) ҳаёти давомида у ёки бу турдаги зўравонликка дуч келади. Бу эса мазкур муаммо бутун жаҳонда ўта долзарблигини исботловчи статистик маълумотдир.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳар қандай шаклдаги тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилиниши алоҳида назоратга олинган. Бу борада жиддий, тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Аввало, Конституциямизда белгилаб қўйилганидек: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт” (18-модда). Шунингдек, “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қиммати камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас” (26-модда иккинчи қисм).

Бундан ташқари, 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга давлат ҳимоясини тақдим этиш тартиби, уларга тазйиқ ўтказётган ёки зўравонлик содир этган шахсга ёки бир гуруҳ шахсларга нисбатан белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланишига сабаб бўладиган ҳужжат – ҳимоя ордерини бериш тизими белгилаб қўйилди.

Зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий

дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)дир. Тазйиқ эса содир этилгани учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик ҳисобланади.

Тан олиш жоизки, халқаро миқёсда ва миллий қонунчилигимизда хотин-қизлар ҳуқуқларига қанчалик эътибор қаратилган бўлишига қарамасдан, аёлларга нисбатан маиший зўравонлик, тажовузкорлик, руҳий зўравонлик, иш ҳақларидаги номутаносибликлар каби муаммолар учраб келмоқда. Қонунга кўра, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи аёл ўзига нисбатан шундай ҳолат содир этилгани ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисида ариза билан тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.


Шунингдек, улар махсус маркаларда, ишонч телефони орқали бепул ҳуқуқий маслаҳат олади. Ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш, ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилишга ҳақли. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Умуман олганда, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бу каби тадбирлар жамиятда, турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа жойларда хотин-қизларга бўлган ҳурматни ошириш, тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Саида АБДУРАҲМОНОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Миробод туманлараро суди судьяси

РЕКЛАМА

QISHLOQQURILISHBANK



8-DEKABR
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KONSTITUTSIYASI KUNI
MUBORAK BO'LSIN!

QUANT
Bank qo'lingizda bo'ladi!

qqb.uz 1254

“Навоий кон-металлургия комбинати”

акциядорлик жамияти жамоаси

*кўпмиллатли халқимизни қутлуг айём – Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги билан табриклайди.
Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуг мақсад йўлидаги фидокорона
фаолиятингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Кўзлаган юксак марраларимизга етиб юриш барчамизга насиб этсин!*

8 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинган кун



Хизматлар лицензияланган.



“Дехқонобод калий заводи”

акциядорлик жамияти жамоаси



Uzkiymyosanoat
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

*Қалбларимизга қувонч ва шукр ҳақиқатлаб, шоду хуррамлик билан
нишонланаётган улуг айём – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул
қилинганининг 30 йиллиги билан бутун халқимизни қутлайди.
Мана жон Ўзбекистонимиз доғмо гуллаб-яшнайверсин!*



Хизматлар лицензияланган.

ЖОЙ НОМЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ НОМЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРГА КЎРА, ЭНДИ МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ ФИКРИНИ ИНОБАТГА ОЛИШ ҚАТЪИЙ ТАЛАБГА АЙЛАНДИ

Қадим-қадимдан халқимиз яшаш манзилларини номлашга донишмандлик билан ёндашган. Топоним мазмунида ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, табиий шароити, ўсимлик ва ҳайвонот олами, элнинг касб-кори, ҳўжалик фаолияти, унутилмас воқеа-ҳодисалар, этник мансублиги, уруғи, қабиласи ёнки бошқа бирор белгиси акс этган. Жой номининг ўзиёқ шу ерда яшайдиган аҳоли тўғрисида муайян тасаввур уйғотган. Албатта, асрлар ўтиши натижасида товуш тушиши, алмашиши, қўшилиши ёки бошқа сабаблар билан айрим топонимлар асл шаклини ўзгартириб, мазмунини йўқотган бўлса-да, аҳоли учун ота-боболаридан етиб келган маданий бойлик сифатида қадрли ҳисобланган. Шунинг учун ҳам одамлар ўзлари яшаб турган манзил номининг ҳуда-беҳудага алмаштирилишини хоҳламайди.

Масалан, мен иш фаолиятим давомида топонимлар билан боғлиқ масалаларга жуда кўп дуч келганман. Янги ташкил топган манзилга ном бериш, жой номини ўзгартириш, тарихий номи тиклаш, бирор ҳудудга шахс номини бериш ва ҳоказолар бўйича кўплаб мурожаатлар бўлган. **Яширишининг ҳожати йўқ, бундан бир неча йил илгари қонунга номувофиқ деб кўплаб топонимлар ўзгартириб юборилди. Шу иш бошида турганлар ўзлари сира кўрмаган ҳудудларга янги номлар ҳам тавсия қилишди. Алмаштирмаганга қўйишмади. Бироқ ўша янги номларнинг кўпини эл ҳанузгача қабул қилгани йўқ, расмий ҳужжатларда қандай ёзилишидан қатъи назар, эски номи билан аташади.**

– Жой номлари одамлар учун жуда қадрли эканини мени маҳаллага раис қилиб сайлашганда яна бир бор ҳис этдим, – дейди **Китоб туманидаги “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Хидирова.** – Аҳолининг асосий талаби қишлоқнинг тарихий номини тиклаш бўлди. Сабаби, неча асрлардан буён Кўсам деб атаб келинган қишлоғимиз Кўркли деб ўзгартирилди. Орадан қарийб ўн йил ўтганига қарамасдан, ҳалигача бирор одам бу ерни Кўркли деганини эшитмадим. Ҳозир ҳам Кўсам деб атайди. Негаки, қишлоқ номининг ўз тарихи бор. Гарчи бу ҳақда қўлимизда ёзма манбалар бўлмаса-да, оғиздан оғизга ўтиб келаётган фикрларга асосланиб, зиёлиларимиз Кўсам номини саҳоба Кўсам ибн Аббос номига боғлашади. У киши шу манзилда бўлган, дейишади. Қишлоғимиздаги қадимий қабристон номи ҳам Кўсам ота...

Профессор Тўра Нафасовнинг “Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати” китобида Кўсам қишлоғи номи бошқача талқин қилинган. Халқ достонларида “кусам сарқа” бирикмаси кўплаб ишлатилиши, бунда “кусам” сўзи йирик гавдали деган маънони англатиши, жуссали кишиларга нисбатан ҳам қўлланиши айтилган. Кўсам ўзбекларнинг кесамир қабиласи номининг соддалашган шакли, деган фикрлар борлиги ҳам эслатилган.

Ёки яна бир мисол, ана шу “Обод” МФИдаги Қўшбоши қишлоғи номи ҳам қонунга номувофиқ деб ўзгартирилди. Кайвониларнинг айтишича, бу жой номи тарихий бўлиб, тему-

рийлар даврига бориб тақалади. Амир Темур асосий қўшинларини шу қишлоқда тўплагани боис дастлаб ҳудуд Қўшинбоши дейилган. Товуш тушиши ва алмашиши сабабли кейинчалик Қўшбоши бўлиб кетган. Айрим кексалар қишлоқ номини “қўшбоши” сўзига ҳам боғлашади. Негаки, қишлоқ аҳли чорвадор бўлган ва молларини саҳармардондан тоғ ёнбағирларига ҳайдашган. Қуйроқда жойлашган қишлоқлар подаси улар ортидан юрган. Қишлоқ чорваси олдинда юргани учун қўшбоши дейилган ва бу сўз жой номига айланиб кетган...

Тўғри, бу фикрлар оғиздан оғизга ўтиб келган ва илмий асоси йўқ. Аммо ҳар бир ривоят остида ҳақиқат бўлгани каби мазкур номларда ҳам қишлоқ тарихи, аҳолининг касб-кори ва бошқа белгилари акс этгани аниқ.

Топонимларнинг ўзгариши билан боғлиқ бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гарчи “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида келтирилган географик объектларнинг номларига доир талабларда ном бериш ёки ўзгартиришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш кўрсатилган бўлса-да, амалда кўп ҳолларда асосли таклифлар инобатга олинмади.

Яқинда бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонун эса ана шу жиҳатларга эътибор қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қонунда географик объектларга ном бериш ва номларини ўзгартиришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш” деган ном билан 41-модда киритилди. Шунга асосан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар келиб тушганидан кейин беш иш кунидан кечиктирмай муҳокама қилиш учун ўз расмий наشري, расмий веб-сайтида эълон қилади. Муҳокама учун ўн беш кундан кам бўлмаган муддат белгиланди. Қонунда маҳаллий



аҳоли географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан ўз фикрини оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда яқка тартибда ёхуд жамоа бўлиб билдириши мумкин, бунда шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади, дейилган.

Олдинги қонунда эса иш қарийб битиб, давлат экспертиза комиссияси ҳулосаси олинганидан сўнг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари қарорлари лойиҳаси давлат интерактив порталига муҳокама учун қўйилар, маҳаллий аҳоли муҳокама жараёнини билмай ҳам қоларди. Эндilikда ном берилиши ёки ўзгартирилиши билан боғлиқ жараён маҳаллий ҳокимликлар расмий нашрлари ёки веб-сайтларида эълон қилиниши аҳолининг хабардорлигини, муҳокамаларда иштирок этиш имкониятини оширади. Турли норозиликлар олди олиниб, тарихий номлар сақлаб қолиниши ёки муносиб номлар танла-нишига эришилади.

Жойларга ном бериш ва номни ўзгартиришда аҳолининг иштирокини таъминлаш қонуннинг 10-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида ҳам мустаҳкамланди. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шўхқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришда фуқароларнинг ташаббуслари ҳам асос сифатида киритилди.

Ҳолбуки, олдинги қарорда бунинг учун фақат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар илтимосномалари асос ҳисобланган.

Жой номлари бўйича мурожаатларнинг яна бир туркуми аҳоли пунктлари ёки аҳоли пунктлари таркибий қисмларига шахс номини бериш билан боғлиқдир. Баъзан мурожаатчилар ҳудудларида яшаб ўтган тарихий шахслар, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари, олимлар, ижодкорлар, санъаткорлар ва бошқа таниқли инсонларнинг номларини абадийлаштириш масаласини кўтариб чиқишади.

Тўғри, олдинги қонунда бу қоида ҳам мавжуд бўлиб, “Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар овуллар, аҳоли пунктларига одамларнинг исми-шарифини беришга, шунингдек, уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди”, деб ёзиб қўйилган. Шунингдек, “Кўчалар, шўхқўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига айрим одамлар, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар исми-шарифини беришга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно”, дейилган. Аммо “Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар” деганда қандай кишилар тушунилишига аниқлик киритилмаган эди.

Янги таҳрирдаги қонунда ушбу масала ой-

динлашди ва унга 101-модда тарзида киритилди. Шунга кўра, жойларга “...Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш уларнинг вафотидан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан ҳамда, қоида тариқасида, номлари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига нисбатан амалга оширилади”, деб белгиланди. Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг тоифаларини аниқлаш мезонлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши кўрсатиб ўтилди. Қонунда “...қоида тариқасида номлари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларида” дейилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар жойларга ном бериш ва номларини ўзгартиришда аҳолининг иштирокини таъминлаш, ташаббускорлигини ошириш, фикр ва мулоҳазалари, таклифларини инобатга олиш, мавҳумликларга барҳам бериш ва шу тариқа қонуннинг халқчиллигини ошириш, тарихий номларни асраш, муносиб номларни танлашга хизмат қилади.

Лола ЎРОҚОВА,
Китоб тумани ҳокимининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Тошкент шаҳрида фаолият юритадиган

“Krystal Just Service” МЧЖ

Азиз ватандошларимизни Конституция куни билан табриклаб, барчангизга сўхат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Халқимиз фаровонлиги йўлида янада жипслашиб, гайрат-шижоат ва масъулият билан амалга ошираётган ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI XXIasr ЎЗБЕКИСТОН ШАҲРИЙИЯТИ ГАЗЕТАСИ БОШ МУҲАРРИР НОРҚОБИЛ ЖАЛИЛОВ Таҳрир хайъати: Ақтам ХАЙТОВ Дилшод ШОУМАРОВ Шухрат БАҒОЕВ Мавлуда ХУҲАЕВА Сирожиiddин САЙИИД Адҳам ШОДМОҶОВ Виктор ПАК Насимжон АЛИМОВ Сардор МУСТАҒОЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари)	Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй. Электрон почта: xxi_asr@mail.ru xxi_asr@mail.ru Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.	“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 1251 Адади: 4839 Электрон обуна – 1355 Бахоси келишилган нархда. Топширилди – 22:10	Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. © “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар Элёржон Неъматов, Маъруфжон Раҳмонов саҳифалади.	ISSN 2181-497X 9 772181 497009 НАШР КЎРСАТИКИ: 406 1 2 3 4 5 6 Навбатчи муҳаррир: Фаррух ЖАББОРОВ
--	---	--	---	---